Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 122 (3623)
ЧОРШАНБА
31 МАЙ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Беш йилликнинг уч йили плани—
СССР Конституцияси кунигача!

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

«Узпромвентиляция» трести беш ойлик планни муддатидан илгари 22 май куни адо этди. Бунга барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида меҳнат унумдорлигини ўстириш учун курашнинг авж олдирилиши, ишнинг бир меъёрда ташкил этилиши туфайли эришилди. Трест қўлга киритган муваффақиятларда Тошкент монтаж ва созлаш ишлари бошқармасининг В. Чеботарев, Х. Кралис, С. Будяков, А. Ушаков бошлиқ бригадаларининг азаматлари катта ҳисса қўшдилар.

Х. Кралис бошлиқ монтажчилар бригадаси кунлик топшириқларини 180 процентдан бажариб, шу кунларда беш йиллик планни бажариш арафасида турибди. Бригада монтажчилари бир беш йилликда икки беш йиллик планни адо этишга аҳд қилган ўн нафар ишлаб чиқариш илғорининг ташаббуси асосида иш олиб боришти.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобиннинг бригада пудрати методи бўйича ишлаётган А. Ушаков бошлиқ бригада эса свердловскликларнинг «Бригаданинг беш йиллик топшириги кам ишчи кучи билан бажарилади» ватанпарварлик ташаббусига биринчилардан бўлиб қўшилган. Ҳозир бригада 1979 йилнинг октябрь ойи ҳисобига иш бажармоқда. Пешқадам коллектив беш йилликка қабул қилган социалистик мажбуриятларига кўра, шу йил охирига қадар 34 миллион квадрат метрдан зиёд ҳаво ўтказгич қувурларини монтаж қилиш ниятида тер тўкмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Гвинея Республикасининг Президенти А. Секу Туре СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга дўстона мактуб йўллади. Мактубда Совет Иттифоқи Гвинея халқи билан бирдам бўлганлиги ва Гвинея Республикасида қурғоқчилик муносабати билан унга берган ёрдами учун чуқур миннатдорчилик изҳор этилган.

Телеграммада Гвинея халқи ва ҳукумати бундан буён ҳам ҳар иккала мамлакат халқлари ва ҳукуматлари ўртасида дўстона муносабатларни ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлайверади, деб таъкидланади.

● БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, БХР Министрлар Советининг Раиси Станко Тодоров бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси ҳукумат делегацияси 29 май куни визит билан Москвага келди.

● Қардош Болгария беш асрлик усмонийлар зулмидан озод бўлганининг 100 йиллигини нишонламоқда. 30 май куни Москвада СССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасида очилган «Озод бўлган Болгария, янгиланган Болгария» деган миллий кўргазма қардош халқ ҳаётидаги шонли воқеага бағишланган.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДИЁРИДА САМИМИЙ КУТИБ ОЛИШ

ПРАГА, 30 май. (ТАСС махсус мухбирлари). Бугун қўёш заррин нур сочиб турган қардош Чехословакия пойтахти айниқса байрамона безанган. Унинг кўчалари, майдонлари ва соҳиллари ораста — қизил байроқлар ва транспарантларга: «Марҳабо, азиз Совет Иттифоқи-лик дўстлар!» «ЧКП — КПСС!», «Совет Иттифоқи билан — абадий биргамиз!» деган табрик сўзлари ёзилган.

Шу куни прагаликлар ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегациясини кутиб олиш, КПССга, совет халқига қардошларча дўстлик ва астойдил ҳурмат туйғуларини изҳор этиш учун кўчаларга чиқишди. Кўп кишилар илмий социализм асосчиларининг портретларини, Л. И. Брежнев ва Г. Гусак ўртоқларининг портретларини, Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмонларга эзгу тилаклар ёзилган плакатларни, алвонлар ва байроқчаларни кўтариб олганлар.

Рузинне аэропортида СССР ва ЧССР давлат байроқлари ҳилпираб турибди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак самолёт пиллапояси ёнида ўртоқ Л. И. Брежневни, делегация аъзоларини қардошларча самимий, сидқидилдан табриклаб кутиб олади.

Кутиб олиш маросимида ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукумати раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. Биляк, К. Гофман, В. Гула, А. Индра, А. Капек, И. Кемпний, И. Корчак, И. Ленарт, П. Цолотка, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар М. Грушкович, М. Якеш, ЧКП Марказий Комитетининг секретарлари, ЧКП Марказий Комитети секретариатининг аъзолари, Чехословакия ҳукуматининг аъзолари, ЧССР жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар. Кутиб олувчилар орасида ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССРнинг СССРдаги элчиси Ч. Ловетинский, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЧССРдаги элчиси, совет делегациясининг аъзоси В. В. Мацкевич бор эдилар.

Совет партия-ҳукумат делегацияси составида ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. Ф. Мальцев келдилар. КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров ва КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов делегация билан бирга келдилар.

Пионерлар меҳмонларга гулдасталар тақдим этишади. Тўплардан ўқ узиб кўп марталаб берилган салют овозлари гумбурлайди. Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Чехословакия Социалистик Республикасининг давлат гимнлари янграйди.

Л. И. Брежнев ва Г. Гусак ўртоқлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтадилар.

Сўнгра улар кутиб олувчилар — Чехословакия пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари, жамоат ва давлат арбоблари, Чехословакиядаги СССР элчихонасининг, совет муассасаларининг ходимлари ёнига борадилар. Л. И. Брежнев ва Г. Гусак улар билан самимий саломлашадилар.


Аэропортга келган минглаб прагаликлар Совет Иттифоқилик меҳмонларини қизғин қарсаклар билан, «Ҳуш келибсизлар!», «Яшасин Совет—Чехословакия дўстлиги!», «Яшасин КПСС!» сўзлари билан самимий табриклаб кутиб оладилар.

Леонид Ильич Брежнев, Густав Гусак, делегация аъзолари, Чехословакия раҳбарлари машиналарга ўтиришади. Машиналар кортежи Прага градига йўл олади, визит вақтида совет делегацияси шу ерда туради.

Йўл-йўлакай ЧССР пойтахтининг миниг-минглаб меҳнаткашлари Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни ва Чехословакия раҳбарларини астойдил самимият билан табриклаб турдилар.

Машиналар кортежи Градчан майдонида тўхтайди. Бу ерда ҳозир бўлган прагаликлар меҳмонларни баббаравар қўл силкиб, табрик хитоблари билан кутиб оладилар. Градга кираверишда фахрий қоровул саф тортди. Л. И. Брежнев ва Г. Гусак ўртоқлар жанчилар сафи олдидан ўтадилар. Совет Иттифоқи гимни янграйди.

Совет партия-ҳукумат делегациясини кутиб олиш ЧССР билан СССР, ЧКП билан КПСС ўртасидаги бўзилмас дўстликнинг яққол намойишига айланди, совет халқи билан чехословак халқини бирлаштириб турган чуқур қардошлик туйғуларини янги куч билан намойиш қилди.



Вадим Смирнов Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли 2-троллейбус паркининг зарбдор слесари, коммунистик меҳнат зарбдорн. Смена топшириқларини мунтазам равишда 120—130 процент адо этаётган бу илғор ишчи ўз ҳалол меҳнати билан кўпларга ўрнак бўлмоқда.

СУРАТДА: В. Смирнов иш устида.

И. Шоиноғомов фотоси.

ТОШДУ БАЙРОҒИДА— ВЬЕТНАМ ОРДЕНИ

В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг маданият саройи қизил байроқлар, транспарантлар билан безатилган. Бу ерда 30 май куни Ўрта Осиёдаги энг кекса олий ўқув юртига Вьетнам Социалистик Республикасининг Дўстлик орденини топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Илмий ва техник кадрлар тайёрлашда қардош мамлакатга ёрдам бериш соҳасидаги хизматлари учун университет ана шу мукофотга сазовор бўлди: вьетнамлик йигит ва қизлардан бир мингдан кўпроқ киши бу ерда таълим олди, кўпгина фан кандидатлари тайёрланди, биргаликда катта илмий ишлар олиб борилмоқда.

Мухтор министр, ВСРнинг Совет Иттифоқидаги элчихонаси маслаҳатчиси Тан Кхау Кань университет байроғига орденни қадаб қўйди. У университет профессорларини, ўқитувчиларини, бутун коллективни қутлаб, улар Вьетнам экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантиришга кўмаклашаётганлиги учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Сўзга чиққан нотиқлар Вьетнам учун қадрлар тайёрлашда Совет Иттифоқи бераётган ёрдам пролетар интернационализми буюк кучини, совет кишилари синфдош қардошларига ёрдам беришга ҳамиша сидқидилдан интилаётганликларини исбот қилувчи яна бир ёрқин далил эканлигини таъкидладилар.

(ЎзТАГ).

Л. И. Брежнев Г. Гусак билан суҳбатлашди

30 май куни Прага Градасида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак билан суҳбатлашди.

Икки қардош партия ва социалистик давлат раҳбарлари СССР билан ЧССР партия-ҳукумат делегациялари ўртасидаги музокараларнинг тартиби тўғрисида келишиб олдилар. Совет делегациясининг Чехословакияга визити якунлари хусусидаги ҳужжатни ишлаб чиқиш ва келишиб олиш муносабати билан ҳам фикрлашувлар бўлди.

Л. И. Брежнев ва Г. Гусак ўртоқларнинг учрашуви тўла ҳамжиҳатлик, сидқидиллик ва дўстлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

• *Сўз—фестиваль қатнашчиларига*

Дунёқарашни кенгайтиради

Карлтон МОСС,
АҚШ, ёзувчи ва режиссёр.

Тошкентда ўз ишини инҳоясига етказаётган уч қитъа мамлакатларининг кинофестивали фаолияти унинг ҳар бир қатнашчисида унутилмас таассурот бўлиб сақланиб қолади. Бу фестиваль шу билан диққатга сазовор бўляптики, у кинематографчиларнинг дунёқарашини кенгайтириб бормоқда. Кичик бир мамлакатда бирорта кинокамера бўлиб, ана шу соҳанинг бир неча ташаббускори пайдо бўлса, янги миллий кинематография ўз-ўзидан туғилиши бежиз эмас. Тошкент кинофестивалида биз ана шу фикрнинг шоҳиди бўлдик. Кўпгина ривожланаётган мамлакатлардан келган ваколлар ўзларининг яратган картиналарини намойиш қилиш билан бирга бевосита ҳозирги пайтда ўз мамлакатининг кино санъати олдида турган вазифалар ҳақида дадил гапирмоқдалар.

Тошкент кинофестивали ўзининг моҳияти билан ёш кинематографларнинг юксалишида яқиндан мададкор бўлаолади. Ҳурматли Леонид Ильич Брежнев аҳамиятга йўллаган ўзининг мактубида бундай фикрни алоҳида таъкидлаб ўтган. Чиндан ҳам фестиваль халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашга хизмат қилади.

КИНОФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

Тошкент фестивалларининг «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги» шиори планетада империализмга қарши курашаётган тараққийпарвар кино арбобларининг муддаоларини акс эттиради. Ҳозир империализм халқларнинг осойишта ва бахтиёр ҳаёт кечиришига халақит бераётган ҳамма иллатларнинг манбаи, замонамизнинг эски ва янги мустамлакачиликни, ирқий зулм, фашизм, энг жирканч кўринишлардаги реакцияни келтириб чиқарувчи разил кучдир. Кинематографчилар матбуот конференцияларида ва суҳбатларда шу ҳақда гапирмоқдалар, фестиваль кўриги программасига киритилган кўпгина фильмлар ҳам шу мавзуга бағишланган.

Вьетнам экран усталарининг янги асари — «Чангализордаги учрашув» бадиий фильмида антиимпериалистик йўналиш яққол ва чуқур ифода этилган. Режиссёрлар Нгуен Ван Хуа ва Кхой Нгуен суратга олган бу картина Вьетнам халқининг америкалик агрессорларга қарши ўз мустақиллиги учун олиб борган курашини тасвирлайди. Озодлик йўлидаги кураш нақадар қийин бўлмасин, ҳаққоний иш йўлидаги курашчилар зиммасига нақадар машаққатли синовлар тушмасин, бу иш ғалаба қозониши муқаррар эканлигини фильм ижодкорлари томошабинга тушунтириб берганлар.

Тошкент фестивалларининг «географияси» ҳар сафар тобора кенгайиб бормоқда. Янгизеландиялик ёш кинематографиячилар билан бирга бугал Австралия кино арбоблари расмий кўрикда биринчи марта қатнашмоқдалар. Улар «Олис Уикенд» фильмини намойиш қилишяпти.

Илғор кино санъати доимо жанговар постда. У инсонни ҳимоя қилиши, уни олға чорлаши, ҳаётбахш юксак идеалларга руҳлантириши лозим. Кинематографиячиларнинг халқаро учрашуви программасига мувофиқ 30 май куни бошланган «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» мавзуидаги ижодий мунозара қатнашчилари шу ҳақда гапирдилар. Ўзбекистон Кинематографиячилари союзи правлениесининг биринчи секретари, СССР халқ артисти М. Каюмов мунозарани очиб, бундай деди: Касбдошларнинг ошкора фикрлашувлари, эркин ва сидқидил дўстона гурунги Тошкент кинофестивалларининг яхши ва қимматли анъаналари бўлиб қолди. Ана шу чинакам ижодий тортишувлар турли мамлакатлар ва қитъаларнинг кинематографиячиларига энг оммавий санъатни ривожлантиришнинг тўғри йўлларини танлаб олишга кўмаклашмоқда.

А. БАРАНОВ,
О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.



СУРАТДА: Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро кинофестивали иштирокчилари ва меҳмонлари — Озарбайжон киностудиясининг режиссёри Шомил Маҳмудбеков, Озарбайжон халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати Лайло Бадирбейли, нигерлик меҳмонлар —маданият министрининг ўринбосари Абду Тузуку, режиссёр Умару Ганда ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Х. Шодиев фотоси.

БАЗА БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Республикамиз даҳад кўтараётган янги химия корхоналарига техника воситаларини етказиб берадиган янги ишлаб чиқариш базасининг бир йиллик қуввати ўн миллион сўмлик молларни тарқатишдан иборат. «Средазхимстроймонтаж» трестига қарашли ишлаб чиқариш базалари комплекси Сергели районида бунёд этилмоқда.

Катта объектда қурилиш ишларини олиб бораётган 3-трестнинг 23-бошқармаси бунёдкорлари шу кунларда металл конструкцияларни монтаж қилиш билан банд бўлмоқдалар. Қурилиш ишлари графикдан ўзган ҳолда олиб бориляпти.

Ишлаб чиқариш базалари комплексини шу йилнинг охирида буюртмачига топшириш мўлжалланган.

Зангурилеш трести яна бир саноат объектини бунёд қилишга киришди. У синтетик кир-ювиш воситаларини тайёрлаб чиқарадиган янги корхонадир. Бу корхона «Ўзбитхимпласт» бирлашмасига қарашлидир. Ҳозирги пайтда қурилиш майдонида пойдеворларни тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Пардоз ишлари авжида

«Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трести 3-қурилиш бошқармасининг А. Мирзаев ва П. Теников бошлиқ бригадаларининг аъзолари Тимирязев кўчасида иккита тўрт қаватли турар жой биноларини бунёд этишмоқда. Улар **БУГУН**

32 хонадонга мўлжалланган биринчи бинонинг умумий қурилиш ишларини битказиб, пардозчиларга топширишди. Ҳозир жилокорлик ишлари қизғин авж олган.

Бригадаларнинг қурувчилари иккинчи бинони СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигига қадар битказишга аҳд қилишди.

БЎЛҒУСИ СТУДЕНТЛАРГА ЁРДАМ

Тошкентдаги электрон-техника заводида техника олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришни истаётган ёш ишчиларга ёрдам тариқасида тайёрлов курслари очилди. Бундай курслар бу ерда Беруний номидаги Тошкент политехника институти билан шартнома тузиш асосида ташкил қилинди. Шу институт ўқитувчилари ишлаётган ёшларни республикадаги олий ўқув юртларига, жумладан Тошкент педагогика институтига ўқишга кириш учун тайёрлайдилар.

Ана шу олий ўқув юрти абитуриентларни тайёрлаш ҳақидаги шартномаларни республикадаги бир қанча бошқа саноат корхоналари билан ҳам тузди. Бундай корхоналар орасида Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Чирчиқдаги қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати бор.

(ЎзТАГ).

• *Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун*

ЯНГИ МАРШРУТ

1-Қорасув турар жой массиви аҳолисига қулайлик яратиш мақсадида янги массивни Авиасозлар шаҳарчаси билан боғловчи 20-автобус маршрути йўлга қўйилди. Янги маршрут автобуслари Тошкент ҳалқа йўли, Бирлашган, генерал Петров, Валихонов, Добролюбов ва Каховская кўчалари орқали қатнайди.

«Главташпасс а в т о транс»га қарашли 2519-автоколонна янги маршрутга хизмат кўрсатмоқда. Бу линияда бешта автобус мунтазам қатнаб турибди.

21-автобус маршрутига эса ўзгартишлар киритилди. У эндиликда Марказ-4, 5, 6-кварталларнини метрополитен станцияларн ва «Протезист» заводи билан боғлайди.

• *Шарҳчи сатрлари*

Энг муҳим вазифа

СССР халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун изчил ва сабот-матонат билан кураш олиб бормоқда. Совет Иттифоқи қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишга қаратилган кенг ва реалистик тинчлик программасини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус сессиясига тақдим этганлиги буни тасдиқловчи ёркин далилдир. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ўз нутқида бу программани асослаб берди.

Совет Иттифоқи қурол-яроғлар ва қуроллари кучларини миқдор ва сифат жиҳатидан янада ўстиришни тамомила тўхтатиш масаласини ўртага қўйди. Бу масала ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ядро қурол-яроғлари билан қуролланишнинг авж олиб бораётганлиги асосий хавф туғдираётганлиги сабабли Совет Иттифоқи ядро қуролининг ҳамма турларини ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва унинг запасларини аста-секин қискартириш ва сўнгра тамомила тугатиш масаласини кескин қилиб қўйди. СССР БМТ Бош Ассамблеясини ана шу энг муҳим масала юзасидан музокаралар бошлаш муддатини белгилаш, тегишли тайёргарлик комитетини тузишга даъват этди.

СССР ядро қурол-яроғлари билан қуролланиш пойгасини тўхтатиш борасида ядро қуролини тарқатишнинг қискартириш масаласида принципиал позицияда турганлигини яна бир марта таъкидлади ва хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан ҳар бири ўз ҳарбий бюджетини процент ҳисобида эмас, балки абсолют рақамларда қискартириши, деб таклиф қилди. Жаҳонда қуролланиш пойгаси учун ҳар йили бир миллиард долларлан зиёд маблағ сарфланаётганлиги ва эътиборга олганда, бу таклиф қандай катта аҳамиятга эга эканлигини тушуниш осон бўлиб қолади.

Қуролсизланиш ишини амалий изга солиб юборадиган совет таклифлари махсус сессиянинг диққат марказида турибди. Бу таклифлар бутун жаҳонда катта қизиқиш туғдирди. Францияда чиқадиган «Юманитэ» газетаси бу таклифларни «олға қараб муҳим силжишни таъминлай оладиган реалистик ва жиддий таклифлар», деб ётади. Болгариянинг «Работническое дело» газетаси совет программаси «Улуғ Октябрь Ватани қурол-яроғсиз ва урушсиз тинчликни барпо этиш учун кормай-толмай ва ҳар томонлама, изчиллик билан кураш олиб боришганлигини яққол ифода этади», деб ёзади.

Жаҳон жамоатчилиги совет программасининг амалга оширилиши алпи тинчликни мустаҳкамлаш соҳасида олға қараб катта қадам қўйиш имконини бергани бўлур эди, деган фикрни яқинлик билан изҳор қилмоқда.

И. АБЛАМОВ,
ТАСС шарҳловчиси.

телетайп лентасидан

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШ федерал авиацияси бошқармасининг раҳбарларидан бири М. Стриклер совет «ЯК—40» самолётига юксак баҳо берди. Бу самолётнинг учиш сифатлари яхшилиги, соддалиги ва универсаллиги, юкни ҳам, йўловчиларни ҳам бирдек яхши ташиб бериши Қўшма Штатларнинг ички авиалинияларида, айниқса қишлоқ районларида фойдаланиш учун уни идеал машина қилади, деди у.

● МЕХИКО. Мексика пойтахтининг аҳолиси кундан-кунга ортиб бормоқда. Демографларнинг тахминий ҳисобларига кўра, бугунги кунда аҳолиси 12 миллион кишига етган шаҳарда 1985 йилга бориб 17,9 миллион киши истиқомат қилади. 1970 йилда Мехико аҳолисининг кўплиги жиҳатидан Токио, Нью-Йорк, Лондон ва Шанхайдан кейин бешинчи ўринда турар эди.

● ПАРИЖ. Францияда уй-жой қурилиши ҳажми қисқариб бормоқда. Ўтган йили мамлакатда 465 мингта квартира қурилди, бу 1976 йилдагига нисбатан 6 процент кам. Тўрт йил ичида мамлакатда уй-жой биноларн қурилиши ўрта ҳисобда 16 процент камайди.

● ДУБЛИН. «Уйдар бору, яшашга жой йўқ», — деб ёзади «Айриш пипл» газетаси уй эгаларининг чайқовчилик пайраҳаларини фош этиб. Улар фойда кетидан қувиб, ижара ҳақини оширишда давом этмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзидагина, деб ёзади газета, Ирландияда квартира ҳақи 20 процент ошган.

● АНҚАРА. Туркиянинг почта, телеграф ва телефон бошқармаси йўл ҳаракати белгилари туширилган почта марказлари туркумини чиқарди. Марказлар кичкинагина плакатлар шаклида ишланган бўлиб уларга «Тезликни ошириш офат келтиради», «Сен тўйга шошилсанг ҳам ёки у дунёга» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Мамлакат тош йўлларн бошқармаси ва фалокатларнинг олдини олиш жамиятининг ташаббуси билан тайёрланган почта миниатюралари йўл ҳаракати қоидаларини бузишга қарши Туркияда бошлаб юборилган кампания муносабати билан нашр этилган.

Мусобақа кундалиги

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИБ

КЎПСТАНОКЧИ ТЎҚУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ ЯКУНИНИ КОМБИНАТ КАСАБА СОЮЗ КОМИТЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ М. В. ЧУБАСОВА ШАРҲЛАЙДИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

— Шу йил апрель ойида Тошкент тўқимачилик комбинатининг 1-фабрикасидаги тўқув цехларида танда ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги сабабли катта қийинчиликлар туғилди. Тез-тез ускуналар бекор туриб қола бошлади. Бу тўқувчиларнинг ишлаб чиқариш суръатига таъсир қилди. Бироқ шундай шароитда ҳам ишлаб чиқариш илғорлари юксак меҳнат унумдорлигини намойиш қилишди.

Таниқли тўқувчилар Нина Васильевна Ершова ва Вера Ивановна Солдатова станоклар танда билан тўла таъминланганда техниканинг имкони борича самарали ишлаши учун, ип узилганда ускуналарнинг бекор туриб қолиши қисқариши учун кўп-ларидан келган ҳамма ишни қилишди. Бунинг учун танда-ларга ва кромкаларга алоҳида эътибор бериш керак эди. Бу ишга сарфланган вақт ўзини оқлади. Ип узилиш камайиб, унумдорлик юқорилагича қолди. Бундан шу нарса гувоҳлик бер-яптики, апрель ойида ҳар икки тўқувчи ҳам типовой нормадаги 24 станок ўрнига 56 станокда ишлаб, рекорд кўрсаткичга эришдилар. Жумладан, Нина Васильевна бир ойда 64,8 минг хом сурп, Вера Ивановна эса 58,4 минг метр хом сурп топширишди. Май ойида таъминот яхшиланган-гач, ҳар икки ишчи ҳам иш суръатини ошириб, энг юксак марраларни эгаллашди.

Ҳозир тўқувчилар июнь ойида нишонланадиган енгил саноат ходимлари кунини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўришяпти. Уларнинг ҳар бири ҳозирнинг ўзида планга қўшимча миллион метрдан ортиқ газлама ишлаб чиқаришди.


Беш йиллик бошидан бери кўп станокчилар В. Кузнецова, М. Асеева, К. Аянкина планга қўшимча ярим миллиондан кўпроқ сурп топширишди. Ҳозирги пайтда улардан иккиси — М. Асеева ва К. Аянкина яқинда монтаж қилинган станокларда ишлашяпти. Ҳар иккисининг ҳам вазифаси қисқа вақт мобайнида янги техникани ошириб, ҳар бирининг ўзи-дан юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун бутун имкониятларини ишга солиб меҳнат қиляпти. Маълумки, илгари у шахсий беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилганди. Ҳозир у бу мажбуриятини қайта кўриб чиқиб, беш йиллик топшириғини 1978 йилнинг охиригача адо этиш учун интиляпти. Унинг 48 станоги бетиним гурулла-б ишлаб туриоди. Дилбар фабрика тўқувчиларидан меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиб, ҳар бир иш жараёнида сезгиларни тежаяпти. Бунинг натижасида планга қўшимча минглаб метр газлама ҳосил бўляпти.

У гоят бандлигига, ҳар куни тўқимачилик институтидаги машғулотларга тайёрланиш зарурлигига қарамасдан ўз шогирдлари Зулайхо Қамбарова ва Мадина Раҳмонова-ни тарбиялашга ҳам вақт топяпти. Бу қизлар устозларининг даъвати билан Оқўрғондан келиб, тўқувчилик касбини ўрганишяпти. Қизлар ҳозир ана шунга ҳаракат қилишяпти.

Комбинатнинг энг ёш кўпстанокчи тўқувчиси Дилбар Қулматова беш йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этиш учун актив кураш олиб боряпти. У шу пайтгача планга қўшимча 584.691 метр митқал тўқиди. Комсомолнинг XVIII съездига делегат бўлиб борди, ВЛКСМ Марказий Комитетига аъзоликка сайланган Дилбар Қулматова янада юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун бутун имкониятларини ишга солиб меҳнат қиляпти. Маълумки, илгари у шахсий беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилганди. Ҳозир у бу мажбуриятини қайта кўриб чиқиб, беш йиллик топшириғини 1978 йилнинг охиригача адо этиш учун интиляпти. Унинг 48 станоги бетиним гурулла-б ишлаб туриоди. Дилбар фабрика тўқувчиларидан меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиб, ҳар бир иш жараёнида сезгиларни тежаяпти. Бунинг натижасида планга қўшимча минглаб метр газлама ҳосил бўляпти.

Умуман комбинат машъаллари беш йиллик бошидан бери 4,5 миллион метр газлама тайёрлашди.

Комбинатнинг кўпстанокчилари ишлаб чиқариш резервларини қидиришяпти, ёнма-ён ишлаётган ҳамкасбларини ўзининг беш йилликнинг учинчи йили план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга даъват этишяпти.



• *Беш йиллик вахтасида*

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Мамлакатимиз пахтакорлари учун комплекс қишлоқ хўжалик машиналари — чигит экиш сеялкалари, тўкилган пахтани терувчи подборщикилар ва УПХ—1,5 «В» маркали кўсак чувиш машиналари ҳамда турли хил эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бераётган «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонаси коллективи шу кунларда, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари адо этиш, бу йилги механизаторларнинг шарафли буюртмаларини ўз вақтида бажариш борасида сидқидиллик билан меҳнат қиляпти. Яқинда бу ерда УПХ—1,5 «В» маркали модернизациялашган янги кўсак чувиш машиналарини оммавий равишда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Серунум ишловчи бу янги агрегатларни йиғиш ва монтаж қилишда корхона 5-йиғув цехининг илғор йиғувчи - слесарлари коммунистик меҳнат зарбдорларидан Н. Мақсудов, В. Кривицский ва А. Пелехлар баракали меҳнат қилмоқдалар.

Корхона аҳли ўртасида беш йилликнинг уч йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун ўзаро социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Цехлараро мусобақада эса 5-цех ишчилари пешқадамлик қилишяпти. Улар бугун кечагидан, эртага бугунгидан баракали меҳнат қилиб ибрат кўрсатишмоқда. Цехнинг кўпгина пешқадамлари эса йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган кунгача бажариш ташаббусига қўшилишган. Бундайлар сафи кун сайин ортиб боряпти.

Корхонада мураббийчилик ҳаракатига ҳам кенг ўрин берилган. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 177 мураббий ишламоқда. Улар ўз тажрибаларини ёшларга сидқидилдан ўргатишади. Мана бир мисол: К. Караяков бундан уч-тўрт йил илгари ўрта мактабни тугаллаб корхонанинг 1-механика-йиғув цехига ишга келганди. Ўшанда уни кекса ишчи, илғор пайвандчи В. Михеев шогирдликка олди. Ўтган вақт ичида Костя пешқадамлар сафидан ўрин олди. Эндиликда бу ёш ишчи устозидан мамнун.

Меҳнат зарбдори В. Дьяковнинг номини ҳам ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Бу мураббий ишчи кўпҳисса қўшиш иштиёқида ёнган узбексельмашчилар шу йилнинг фақат апрель ойида дала меҳнатчилари учун пландан ташқари 110 минг сўмлик турли хил техника етказиб бердилар.

1978 йил бошидан буён кенг ва тор қатор ораларига чигит экувчи 3.190 та сеялка тайёрлаб берилди. Корхона инженерлари мазкур агрегатларнинг конструкцияларга кўпгина ўзгартишлар киритишиб, уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга муваффақ бўлдилар.

Жиззах ва Сирдарё областларидаги колхоз ва совхоз чўлқувварларига юборилган экиш машиналари баҳорги экин экиш мавсумини тез ва соз ўтказишга яқиндан ёрдам берди.

Ҳозирда «Узбексельмаш» машинасозлари 1978 йилнинг охиригача мамлакатнинг пахтачилик районлари меҳнаткашларига яна 6,3 мингта сеялка етказиб бериш учун курашмоқдалар.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Суратларда: юқорида корхонанинг илғор йиғувчи-слесари Қўчқор Ориповни кўриб турибсиз.

Пастдаги суратда эса коммунистик меҳнат зарбдори А. Пелех навбатдаги агрегатни йиғиш устида.

М. Нуриддинов фотолари.



Шаҳримиз гўзал ва кўкаламзор бўлсин

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Собир Раҳимов район ободонлаштириш бошқармасининг коллективи шу кунларда ободончилик ишларига алоҳида аҳамият бермоқда. Дов-дарахтлар парвариши, уларни бегона ўтлардан тозалаш, суғориб туришдан ташқари йўл ва йўлкаларни ремонт қилиш ишлари ҳам жадаллик билан олиб бориляпти.

Район ободончиларининг ўтган юбилей йилида ҳам астойдил меҳнат қилишган эди. Бултур бошқармасининг йўл-эксплуатация участкаси 29 минг квадрат метрга яқин кўча, проезд ва тупикларни ремонт қилиб, йиллик планни 111,5 процент қилиб бажарди. Ўтган йили Қорақамиш массиви орқали ўтувчи трамвай йўлининг 2-навбати муддатидан салкам бир йил олдин ишга туширилди. Бу эса райондаги гавжум массивлардан биридан транспорт ҳизматининг яхшиланишига имкон берди. Бу йил 290 минг сўмлик йўлларемонт ишларини бажариш планлаштирилган. Шу кунларда бу ишлар жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Ободончилик икки ойлиги вақтида Студентлар шаҳарчасида 3 гектарлик, ТошМИ шаҳарчасида 1 гектарлик, Олимпия массивида 1,5 гектарлик, Фаробий кўчасида 0,5 гектарлик, Қамарнисо кўчасида 1,8 гектарлик хиёбонлар барпо этилди. Қамарнисо кўчаси яқинидаги жарликлар йўқотилиб, ўрнига истироҳат зоналари бунёд қилинди. Ишу атрофдаги аҳоли учун, уларнинг яхши дам олиш чиқаришлари учун қулайлик яратди.

Бу хиёбонларга ва райондаги бошқа жойларга 32 минг тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, 92 минг тупдан кўпроқ яшил тўсиқ ўтказилди.

Районда гулзорлар ташкил этишга ҳам анчагина эътибор қаратилган. «Гуллар аллеяси» деб номланган кичик ҳалқа йўлига ободончилар алоҳида аҳамият беришмоқда. Райондаги гулзор ва хиёбонларда эса бир миллион тупга яқин шоҳи гул, сальвия, қўқонгул, виола, маргарита сингари чиройли гуллар ўстирилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, Собир Раҳимов райони ободончилари гул кўчатларини сотиб олишмайди, балки уларни ўз гулхоналарида етиштиришади. Биргина шунинг ўзи ҳар йили 25 минг сўмдан ортиқ фойда келтиради.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери фаррош Тўлганой Маҳмудова, агроном Мавжуда Жўраева сингари ўз касбига меҳр қўйган ободончилар фидокорона меҳнатлари билан шаҳримиз кўркига-кўрк қўшмоқдалар.

Район ободонлаштириш бошқармаси шу кунларда баҳорда ўтказилган дов-дарахтларни парвариш қилиш, уларни ёзнинг жазирама кунларида чанқатиб қўймаслик учун кўпгина талбирларни амалга оширишмоқда. суғориш тармоқлари тартибга келтирилмоқда. Амалга оширилаётган бу тадбирлар Собир Раҳимов ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш имконини беради.

А. УМАРОВ.

• *Тежамкорлик—яхши хислат*

МУҲИМ ОМИЛ


Экономикамизни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири моддий ресурслардан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишдир. Бу масалага КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1977 йил) Пленуми қарорларида, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг совет халқига Мактубида ҳам алоҳида эътибор берилган. Масалан, металлни тежашни олайлик. Саноат корхоналаридаги ўз вазифасига ижодий ёндошадиган, изланувчан кишиларнинг фаолияти бу борада жуда кўп резервлар мавжудлигини кўрсатяпти. Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг темирчилик цехи слесари Х. Х. Раҳматуллаев металлни тежаш билан боғлиқ 16 та рационализаторлик таклифи киритди. У цехдаги меҳнат жараёнини диққат билан ўрганиб, айрим деталлар учун махсус штамплар қилишнинг ҳожати йўқлигини билди. Уларни мавжуд деталларнинг ҳажми тўғри келадиган штампларда ҳам тайёрлайверса бўларкан.

Комбинатнинг энг ёш кўпстанокчи тўқувчиси Дилбар Қулматова беш йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этиш учун актив кураш олиб боряпти. У шу пайтгача планга қўшимча 584.691 метр митқал тўқиди. Комсомолнинг XVIII съездига делегат бўлиб борди, ВЛКСМ Марказий Комитетига аъзоликка сайланган Дилбар Қулматова янада юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун бутун имкониятларини ишга солиб меҳнат қиляпти. Маълумки, илгари у шахсий беш йиллик топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилганди. Ҳозир у бу мажбуриятини қайта кўриб чиқиб, беш йиллик топшириғини 1978 йилнинг охиригача адо этиш учун интиляпти. Унинг 48 станоги бетиним гурулла-б ишлаб туриоди. Дилбар фабрика тўқувчиларидан меҳнатнинг илғор усулларини ўрганиб, ҳар бир иш жараёнида сезгиларни тежаяпти. Бунинг натижасида планга қўшимча минглаб метр газлама ҳосил бўляпти.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор, қатта инженер М. Р. Мирсоатов ҳам бирлашмамиздаги тиниб-тинчимас кишилардан. У металлдан омилкорлик билан фойдаланиш ҳақида мунтазам бош қотиради. Загатовкаларда кесимлар йўналишини ўзгартириб, металларни бичишнинг ҳар томонлама мақсадга мувофиқ йўлларини топиб, кўплаб материалларни тежайди. Илғор рационализатор ўз меҳнат фаолияти давомида 195 та рационализаторлик таклифини киритди. Бунинг натижасида корхонамиз юз минг сўмлаб маблағни тежаб қолди.

Кўпгина чкаловчилар сифат ва самарадорлик беш йиллигида ўз зиммаларидаги вазифага ана шундай ижодий ёндошиб, салмоқли ютуқларни қўлга киритишяпти. Ҳозир корхонамизда мингдан ортиқ ижодий фикр эгаси бор. Уларнинг миқдори келгусида янада ортади. Чунки ишга ижодий ёндошиш фан-техника революцияси асридаги тараққиётнинг асосий шартидир.

А. АНИСИМОВ,
В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг соцнал тадқиқотлар бюроси инженери.



«Беш йилликнинг учинчи йили миз» шиори остида ишлаётган трести 32-қурилиш бошқармаси фаҳиятларни қўлга киритишмоқда. планини муддатидан илгари бажара- «Главташкентстрой»нинг 6-қурилиш қурувчилари янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Қурувчилар орасида меҳнат илғорларини жуда кўлаб учратиш мумкин. Бошқарманинг бир қанча бундёдкорлари эса йиллик топшириқни СССР Конституциясининг бир йиллиги нишонланадиган кунгача бажаришга аҳд қилишган. Ҳозир улар Уста Ширин кўчасида қад кўтараётган «Компрессор» заводининг янги ишлаб чиқариш корпусини бунёд этишмоқда.

СУРАТДА: илғор қурувчилардан Алексей Толмачев ва Иван Пундиковларни кўриб турибсиз.

◆ РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Ассортиментда хонатлас

Бойсун шойи тўқиш фабрикаси чиқараётган буюмлар орасида эндиликда хонатлас ҳам бўлади. Табиий ипакдан тўқилган бу газлама жуда харидоргирдир. Бу йил шу ерда ўн минг метр хонатлас ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

Сизот суви харитаси

Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институтининг мутахассислари Қорақалпоғистон АССР шимолий қисмининг одатдан ташқари харитасини туздилар. Бу харитада шу территориядаги сизот сувлар бўлган зоналар белгиланган. Харита сувларнинг ер остидаги ҳаракати динамикасини бу жараённинг региондаги табиий-тарихий шароитлари боғлиқлигини аниқлашга ёрдам беради.

Меҳнат паспорти

«Джизакстепстрой» бошқармасида касаба союз ташкилотининг ташаббуси билан таъсис этилган дастлабки меҳнат паспортларини қурилишда энг яхши деб топилган 36-механизациялашган кўчма колоннадан А. Броженко бошлиқ бригада қўлга киритди. Чўлқувварларнинг ҳаммасига берилган паспортларда ҳар бирига уларнинг планлари ва мажбуриятлари ёзиб қўйилган.

(ЎзТАГ).

• *«Минглар шартномаси»—амалда*

ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР БИЛАН ТЎҚИМАЧИЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигининг мажлислар зали. Бу ерда министрлик ва бирлашмаларнинг пахта тайёрлаш ҳамда уни дастлабки тарзда қайта ишлаш соҳасидаги етакчи мутахассислари, шунингдек Украина ССР тўқимачиларининг делегацияси тўпланган. Икки қардош иттифоқдош республика намояндалари 1978—1980 йилларда ишлаб чиқариш самарадорлигини ва сифатини ошириш учун социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида турдош корхоналарнинг коллектив шартномасини имзолашдилар.

Украина делегациясининг вакили. Донецк ип-газлама комбинатининг илғор ип йигирувчиси Л. Н. Доведенко бундай деди:

— Украина тўқимачилари ҳар йили 140 минг тонна толани қайта ишлаб-қодалар. Биз ана шу хом ашёнинг ярмини сизнинг республиканингиздан олмоқдамиз. Шу нарса қувончликки, ўзбек пахта тозаловчилари етказиб бераётган толага рекламация бўлмайди. Шу боисдан — бизнинг буюмларимиз яхши ва бежирим бўлмоқда. Ипгазлама маҳсулоти ишлаб чиқарадиган Украина саноат бирлашмаси корхоналарининг коллективлари ўнинчи беш йиллик учун зиммаларига юксак социалистик мажбурият қабул қилишган. Бу мажбуриятни бажариш учун сизнинг ёрдамингиз зарур. Биз биргаликда — куч-ғайрат сарфлаш орқалигина белгиланган марраларга эришишимиз мумкин. Ўзбекистон пахта тозаловчилари украин тўқимачиларининг даъватига жавобан беш йиллик охиригача юқори сифатли тола ишлаб чиқаришни 93 процентгача етказиш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун тармоқ корхоналарида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилади. Бу эса толадаги аралашмалар миқдорини, унинг нуқсонларини камайтириш имконини беради. Украина тўқимачилари ўз навбатида олаётган хом ашёдан тежамли ва самарали фойдаланишга ҳамда 1980 йилда Сифат белгиси қўйилган 80 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз бердилар. (ЎзТАГ).

• *МАКТАБЛАР ҚУРИЛИШИ — ЗАРБДОР ОБЪЕКТ*

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ **БОНГ УРЯДИ!**

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ УНУТИЛМАСИН

◆ «ТАШСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИ МОНТАЖЛАШ БОШҚАРМАСИ ҚАЧОН ИШ БОШЛАЙДИ? ◆ 159-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИ 22-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ЎТГАН ЙИЛГИ ХАТОЛАРИНИ ТАКРОРЛАЯПТИ ◆ ТАЪМИНОТ ЯХШИЛАНИШИ КЕРАК

Кунигеча мактабларда сўнгги қўнғироқлар жаранглади. Ўқувчиларнинг дам олиши, имтиҳонлари бошланди. Бироқ мактабларда янги ўқув йилига ҳозирлик ҳам бошлаб юборилди. Янги турар жой массивларида қад кўтараётган мактаб бинолари қурилишини эса пойтахт бинокорлари зарбдор объект деб эълон қилишди. Бинокорлик саноати корхоналарининг коллективлари мактаблар қурилиши буюртмаларини тезроқ, сифатлироқ тайёрлашга интилишяпти, қурувчилар иш суръатини оширишяпти. Чунки фарзандларимиз тар биналарда, катта ҳайётга йўлланма оладиган, онги шаклланадиган дарғоҳлар кўркам, пишиқ-пухта, замонавий талаб ва эҳтиёжлар асосида бунёд этилиши даркор.

Яқинда газетамизда Қорасув ва Трактор заводи массивларида мактаблар қурилиши қандай бораётгани ҳақида мақола ёритилган эди. Бугун ҳам шаҳримизнинг янги массивларида ва даҳаларида қад ростлаётган мактаблар қурилиши хусусида фикр юритмоқчимиз.

Ўрол Тансиқбоев массиви Қорақамиш массиви ёнида жойлашган бўлиб у бундан икки-уч йил муқаддам қурила бошланган эди. Массивда ҳозир ўндан зиёд турар жой бинолари қад кериб турибди. Юзларча тошкентликлар бу ерда уй тўйларини нишонлашди. Янги массив аҳолисининг фарзандлари учун мактаб биноси зарур эди. Шу сабабли ўтган йили ноябрь ойида 6-қурилиш трестининг бинокорлари 1176 ўринли мактаб биноси қуришга киришишди. Объектни 70-қурилиш бошқармасининг Василий Енин бошлиқ бригадаси қура бошлади. Бригада дастлабки кунлардан зарбэтилди. Натижа қурилиш материаллари жорий усуллари, бинокорлик Қурилишга илғор иш унумли фойдаланди-қилди. Иш вақтидан дорчасига меҳнат вончли бўлди. Объектда белгиланган муддатда ёрдамчи пудратчи ташкилотлар иш бошлашди. Бунда бошқармадаги Юрий Губайдулин, Холмат Солиҳов бошлиқ бригадаларнинг қурувчилари ҳам катта ҳисса қўшдилар.

— Участкада умумий қурилиш ишлари ниҳоясига етяпти,— дейди 70-қурилиш бошқармаси участка бошлиғи Расул Зуфаров.— Объектда ҳар куни 180 нафар бинокор ишламоқда.

Объектни айландик. Ўқув блокларида сувоқчилик, бўёқчилик, кошинкорлик ишлари жадал суръатларда бажарляпти. Бу ишларни Пардозлаш тресги 29-қурилиш бошқармаси бинокорлари амалга оширишмоқда. Объектда бошқарманинг Собиржон Исаев бошлиқ бўёқчи комсомол-ёшлар бригадаси, катта тажрибага эга бўлган Каримжон Муслимов етакчилик қилаётган сувоқчилар. Шокиржон Садриддинов раҳбарлигидаги дурадгорлар ва бошқа бригадаларнинг аъзолари кунлик нормаларини 130 процентдан ошириб адо этишяпти.

— Дарҳақиқат объектда иш яхши ташкил этилган, —дейди 29-қурилиш бошқармасининг участка бошлиғи Аҳмад Расулов.— Лекин биз янада яхши ишлашимизга сантехниклар халал беришяпти. Химия ва физика лабораториялари хоналарига водопровод ва канализация тармоқлари монтаж қилиниши керак эди. «Ташсантехгазмонтаж» тресги сантехниклари бу ишга керакли қувурларни топишолмаяпти.

Участкада Қурилиш механизацияси трестига қарашли 1-механизация бошқармаси атрофни текислаш ишларини. «Ташгранспецстрой» трести 72-қурилиш бошқармаси ободонлаштириш ишларини график бўйича бажармоқда. Лекин «Ташсантехгазмонтаж» трести газ қувурларини монтажлаш ишларини адо этишга киришгани йўқ. Бу ҳам пардозчиларнинг ишига салбий таъсир этяпти. «Главташкентстрой»нинг экспериментал тажриба-механика заводи объектга архитектура шакллари— панжаралар, витражлар етказиб бермади.

Объектда ҳамма ёрдамчи пудратчи ташкилотлар учун иш жабҳаси бор. Агар иш суръати яна бироз оширилса, ёрдамчилар «отни қамчилашса» объект белгиланган муддатда 28 июнда битказилиши мумкин.

Чилонзор массивининг Д—19 даҳасида ҳам 1568 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси тезкорлик билан қад ростлаяпти. «Главташкентстрой» трести 153-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармасининг бинокорлари умумий қурилиш-монтаж ишларини якунлаш арафасидалар.

Объектда Пардозлаш трести 31-қурилиш бошқармаси жилокорларининг ишлари жуда кўп. Шунинг учун объектга 150 дан зиёд пардозчини бирлаштирган 10 та бригада коллективи ажратилган. Айни кунларда бошқарма қурувчилари мактаб комплексининг 4 та блокида конвейер усулида ишлашяпти.

— Бинокорларимиз комплекс қурилишида 220 минг сўмлик жилокорлик ишларини бажаришлари керак,— дейди участка мастери Риза Юнусов.— Коллективимиз апрель ойидан буён фидокорона меҳнат қилиб, бу маблағнинг ярмидан кўпини ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Шу кунларда барча куч ва имкониятларимизни қурилишни июнь ойининг охиригача қадар битказишга қаратганмиз.

Шаҳримиз марказидаги Совет кўчасида яна бир мактаб қуриляпти. 1568 ўқувчига мўлжалланган экспериментал мактаб қурилишини 159-қурилиш трести 22-қурилиш бошқармаси бунёд этяпти. Объектга киришингиз билан чап томонга қарасангиз, чиройли безатилган шийпончани, объектда ишлаётган бригадаларнинг мажбуриятлари, улар ойлик топшириқларини 150 процентдан ошириб бажараётганлиги ёзилган шиорларни кўрасиз. Бу жуда яхши. Энди ўнг томонга қарасангиз, қурилиш майдони кўзга ташланади. Гапнинг очиғи кўнглингиз хира тортади. Яна икки ойдан кўпроқ вақтдан сўнг фойдаланишга топшириладиган объектда бир неча блокларгина тикланган, аммо бошқаларининг баландлиги одам бўйи ҳам келмайди.

— Қурилиш жуда кеч — ўтган йили октябрь ойида бошланган эди,— дейди участка бошлиғи Семён Залевский. — Шунинг учун август ойи охиригача қадар қурилишни битказмоқчимиз.

Участка бошлиғи объектда 15 майдан буён пардозчилар ишлашаётганлигини айтди. Бош пудратчи битказган иккита блокда С. Залевский айтган пардозлаш трести 11-қурилиш бошқармасининг жилокорлари... атиги сакқиз нафар (!) дурадгор ишлаяпти. Улар блокларга дераза ва ромларни ўрнатишмоқда. Дурадгорларнинг айтишича объектда ҳали кўп ҳажмда жилокорлик ишларини бажариш керак.

Объектда таъминот масаласи ҳам ёмон. «Главташкентстр о й» саноат корхоналари бошқармасига қарашли 9-темир-бетон буюмлари заводи девор ва кошинланган панелларни график бўйича етказишмаяпти. 1-темир-бетон буюмлари заводи эса говакли плиталар билан таъминламаяпти.

22-қурилиш бошқармаси айрим объектларда ишни бир меъёрда ташкил эта олмай, бинокорларни камчиликлар билан фойдаланишга топширишга кўникиб қоляпти. Масалан, улар ўтган йили Успенский номли болалар музика мактаби ётоқхонаси қурилишини фойдаланишга топширишгач, кейинчалик 18 минг сўмлик чала ташлаб кетилган ишларни бажаришга мажбур бўлишган эди. Агар Совет кўчасидаги мактаб қурилишида юқоридаги камчиликларга барҳам берилмаса, ўтган йилги хатолар такрорланиши мумкин.

Тошкент бинокорлари фарзандларимиз орзиқиб кутаётган мактаб бинолари қурилишини белгиланган муддатларда сифатли қилиб фойдаланишга топширишлари керак. Бунинг учун эса объектларда ички резервлар ишга солиниши, иш вақтидан унумли фойдаланилиши, таъминот масаласи яхшиланиши, социалистик мусобақа кенг қулоч ёйдирилиши, қолаверса, бинокорларнинг ўз ишларига масъулияти оширилиши зарур!

Э. ТЎЛАГАНОВ,
А. НИЁЗОВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. КАРИМЖОНОВ: Ҳурматли редакция! Ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат дафтарчаси йўқолганда унинг ўрнига янгиси бериладими? Борди-ю, меҳнат дафтарчасини идораниг ўзи йўқотса унда нима қилиш керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Меҳнат дафтарчаси меҳнаткашнинг бутун иш фаолиятини таърифлаб берувчи ҳамда умумий ва узлуксиз иш стажини исботловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уни жуда эҳтиёт қилиш керак. Ишга кираётганда меҳнат дафтарчасини кўрсатиш керак, бусиз ишга қабул қилиш мумкин эмас. Меҳнат дафтарчангиз йўқолса охирги ишлаган идорангизга дарҳол бу тўғрида хабар қилинг. Мурожаат қилган кундан ҳисоблаб кўпи билан 15 кун ичида бу ташкилот маъмурияти сизга янги дафтарча ёзиб бериши шарт, янги дафтарчага «Дубликат» деб ёзиб қўйилади. Дафтарча умумий қоидага мувофиқ тўлгазилади.

Меҳнат дафтарчасини идораниг ўзи йўқотса нима қилиш керак? Корхона, муассаса ёки ташкилотнинг маъмурияти меҳнат дафтарчаларининг йўқолмайдиган жойда сақланишини ташкил этиши лозим. Шунга қарамай бирор дафтарча (табиий офат сабабли ва ҳоказо) йўқолиб қолса, дафтарча эгасига пулини тўлатмаслик, янги дафтарча (дубликат) берилади. Бу ҳолда маъмурият мазкур ходимга унинг шу идорага киришдан олдинги иш стажини исботловчи ҳужжатлар топиб олишига ёрдамлашмоғи зарур. Меҳнат дафтарчаси эскириб қолган тақдирда ҳам мазкур ходим ишлаб турган идораниг маъмурияти унга «дубликат» ёздириб бериши лозим. Эскириб ишдан чиққан меҳнат дафтарчаси биринчи бетига «Бунинг ўрнига дубликат берилди» деб ёзиб эгасига қайтаради. Ходим бошқа идорага ишга киргандa меҳнат дафтарчасининг дубликатини кўрсатади.

• • •

Б. АҲРОРОВ: Ишчи ёки хизматчиларни қандай ҳолларда енгилроқ ишларга кўчиришга рухсат этилади?

Жавоб: Врачлик консультация комиссиясининг хулосасига мувофиқ маъмурият ходимга енгилроқ иш бериши шарт. Бу ишга аввалги ишдан камроқ ҳақ тўланадиган бўлса, 12 иш куни мобайнида ходимнинг аввалги маоши сақланади, кейинчалик эса бажарган ишига қараб ҳақ тўланади. Янги ишга аввалги ишдан кўпроқ ҳақ тўланадиган бўлса, бу қоида тартиб қилинмайди. Ходим енгил ишга вақтинча ёки доимий кўчирилиши мумкин.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Тошкент қурилиш материаллари илмий текшириш институтининг илмий ходими кечки пайт соат 10 да 32—22 ТНИ рақамли «ВАЗ—21—01» автомобилини Навоий кўчаси бўйлаб ҳайдаб борарди. У атрофга аҳамият бермаганлиги учун кўчанинг Абай кўчаси билан кесишадиган қисмидаги чорраҳада тўхтаб турган 00—52 ТНИ рақамли «ПАЗ—672» автобусни кўрмай қолди ва тасодифга сабаб бўлди. Бу автобуснинг ҳайдовчиси А. Абдураҳимов эди. Тўқнашув натижасида автобусда кетаётган пассажир О. Кулясова жароҳатланди.

Ҳаёлпарастлик сабаби кейинча ғ и ё ҳ вандлик-диспансе р ининг навбатчи врачи томонидан аниқланди. Алиев маст бўлганлиги учун шароитни ҳисобга олмаган.

Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун

▲ ФЕСТИВАЛЬ ЭКРАНИ

«Қизил дуррача»

Турк кинорежиссёрлари фестивалга олиб келган ленталар орасида «Қизил дуррача» номли фильм ҳам бор. Бу лента таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Қизил дуррачали сарвқоматим» қиссаси асосида яратилганлиги учун ҳам фестиваль қатнашчилари эътиборини тортмоқда. Бош қаҳрамон ролини турк киноюлдузи Тюркан Шорай ижро этган. Фильм юксак бадиийликда яратилган.

Фильмни суратга олишда Тюркан Шорайнинг актёрлик имкониятлари ҳам ҳисобга олинган. Асал ролини ижро этган бу актёр қаҳрамоннинг ички оламини бутун бойлигича беришга муваффақ бўлган. Т. Шорай бош қаҳрамоннинг биринчи ураш шувдаги ички иккиланишларини аниқ кўрсата олган. Унинг қаҳрамони Илёс қалбини очган ва сўнгра ташлаб кетган лаҳзаларни тўла маънода мужассамлантирган. Бойтемир Асалга жуда қийинчилик билан уйланади, Ана шу лаҳзалар ҳам фильмда чуқур ифодасини топган. Т. Шорай Асал образи устида ишланганда сценарийдан ҳам кўра Чингиз Айтматовнинг поэтик дунёқарашидан келиб чиқиб иш кўради. Ҳаракат, сўз ва ўйлари образга бутунлай мутаносиб. Бу турк фильмининг сўзсиз ютуғидир. Чингиз Айтматов киссасида бош қаҳрамоннинг ички олами унинг пинҳона ўйлари асосида очилса, кинода эса у кадрлараро тасвир билан ўз ифодасини топган. Турк фильмида ҳам бу лавҳалар мамлакатимиз студияларида ишлаганидек, Ана шу лаҳзалар ҳам фильмда чуқур ифодасини топган. Т. Шорай Асал образи устида ишланганда сценарийдан ҳам кўра Чингиз Айтматовнинг поэтик дунёқарашидан келиб чиқиб иш кўради. Ҳаракат, сўз ва ўйлари образга бутунлай мутаносиб. Бу турк фильмининг сўзсиз ютуғидир. Чингиз Айтматов киссасида бош қаҳрамоннинг ички олами унинг пинҳона ўйлари асосида очилса, кинода эса у кадрлараро тасвир билан ўз ифодасини топган. Турк фильмида ҳам бу лавҳалар мамлакатимиз студияларида яратилган фильмларга тўла мувофиқ келади.

Илёс ва Асал муносабатлари жуда тиниқ тасвирланган. Айрим лавҳаларда эса актёрлар қаҳрамонларнинг ички оламини кенг пландаги ҳаракатлар билан ифодалайдилар. Бу эса томошабинга жуда қаттиқ таъсир қилади.

Ёзувчи Илёснинг бевафолигини унинг ўз сўзлари орқали ифодалаган. Бу лавҳалар фильмда ҳам ўз ифодасини топган. Қаҳрамон қалбидаги психологик кураш, қийналишлари Илёснинг довонни ошиб ўтолмаслигига олиб келади. У Хадича билан ҳам ажрашиб жуда ёмон аҳволга тушиб қолади. Илёснинг бевафолик қилишдаги ички олами ҳам жуда нафис берилган. Илёс кейинчалик ўз қилмишларини қоралашини ёзувчи аниқ кўрсатган. Қаҳрамоннинг ички олами ана шундай мураккаб ситуацияларда кўринади. Фильмда ҳам бу ўрин яхши ифодаланган. Илёс фильмда енгилтаклик билан бевафоликка йўл қўяди. Бунда қаҳрамон ҳақиқий психологиясининг бир қадар сустроқ очилганлигини кўрамиз.

«Қизил дуррача» фильми ўз мазмунига, ғояларига кўра Тошкент кинофестивали шиорига тўла мос келади. Унда инсоний муҳаббат, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида сўз боради. Кўп эпизодларда кинорежиссёрлар Ч. Айтматов асарининг руҳини тўла сақлашга ҳаракат қилганлар. Тюркан Шорай бош қаҳрамон ролини жуда севиб ўйнаган.

▲ КИНОАНЖУМАННИНГ БИРИНЧИ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Катта ҳисса

Прем БАХАДУР,
Непал, режиссёр.

●

Тошкент фестивалига биринчи марта келдим. Шунинг учун ҳам Тошкент мен учун ҳақиқий маънода ижодий дебют шаҳри бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам фахрланаман. Менинг фильмим «Кумари» — «Богиня» деб номланган. Улар афсонавий малика тўғрисидаги қадимий непал афсонаси мотивларига ҳамоҳанг равишда яратилди. Аммо у ўз моҳиятига кўра замонавий фильмдир. Бу бир-бирини севувчи ва бахт ҳақида орзу қилувчи икки ёш қалб характерининг психологик тадқиқотидан иборат. Мен фильмда оддий кишиларнинг ўй-хаёллари ва ташвишларини акс эттиришга, бугунги воқелигимизнинг муҳим хусусиятларини кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Студентлик пайтимдаёқ С. Эйзенштейн, В. Пудовкин ва бошқа таниқли совет кино усталари асарлари билан танишиш шарафига муяссар бўлганман. Улар менинг ижодий ўсувимда катта таъсир кўрсатган албатта. Яқинда бизнинг мамлакатимизда совет фильмлари ҳафталиги катта муваффақият билан ўтди. У ерда Ўрта Осиё республикалари кинолентлари ҳам намойиш этилди. Мана энди эса мен Тошкент фестивалида ўзимнинг Совет ҳукуматидаги ҳамкасбларим билан бевосита танишишлик бахтига эга бўлдим.

Бу халқаро кино анжуманнинг роли ва аҳамияти жуда улкандир. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари прогрессив киноматографиясини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади, колониализм ва империализмга қарши, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун курашга катта ҳисса қўшади, дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Тошкентда ўтаётган фестиваль бу уч қитъада яшаётган халқлар ҳаёти билан яқиндан танишиш, бир-бирларини янада яхшироқ билиш учун ажойиб имконият-дир. Бу ерда, фестивалда кинематографиячилар ижодий жиҳатдан тажрибаларини оширадилар ва бу тажрибалар уларнинг янги фильмларида ҳеч шубҳасиз ўз ифодасини топади.

Жаҳон оинаси

▲ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЯНГИ ВЕРТОЛЁТ

БУХАРЕСТ. Руминиянинг авиация саноати «ИАР—330» маркали янги вертолётни қўлаб ишлаб чиқаришга киришди. Машина 20 пассажирни ёки уч тонна юкни таший олади. Ундан қурилишларда, геология-қидирув ишларида фойдаланиш мумкин. Бу ерда «ИАР—316» маркали вертолёт ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

КАТТА ВАЗИФА

БУДАПЕШТ. Бу йил ВХР геологлари олдида катта вазифалар турибди. Улар Татабанья яқинидаги Мань ҳавзаси районида ер ости бойликларини қидириш ишларини давом эттирмоқдалар. Яқинда геологлар ана шу районда 130 миллион тоннадан кўп олий навли кўмир топдилар. Кўмир қатлами остида нисбатан унча чуқур бўлмаган жойда 13 метрли боксит қатлами бор.

Яқинда Боршод областининг Бюккаброня районида Венгриядаги энг йирик лигнит кони топилди. Бу кондаги маъдан 500-550 миллион тонна деб тахмин қилинмоқда, баъзи жойларда қатламнинг қалинлиги 8—13 метрга етади. Бюккаброня районида тез орада улкан энергетика комплекслари қад кўтаради.

Дунё шаҳарлари ва пойтахтларида

БЕРЛИН. Бундан икки йил аввал Берлиннинг шимоли-шарқий қисми ҳувиллаб ётарди. Энди эса бу ерда катта турар жой массивининг замонавий бинолари қад кўтармоқда. Бу ерларга минглаб кишилар кўчиб келмоқда. Пойтахтнинг 290 та саноат корхонаси ишлаб чиқариш суръатларини анча оширди, улар чиқараётган маҳсулот тури кўпайди, сифати яхшиланди. ГДР пойтахти ҳаётидан келтирилган ана шу икки мисол немис ишчи ва деҳқонлари давлатининг меҳнаткашлари ГБСПнинг икки йил муқаддам бўлиб ўтган IX съезди қарорларини муваффақиятли амалга ошираётганликларини яққол намойиш этади.

• • •

БУДАПЕШТ. Дунай қирғоқларини туташтирувчи саккизта кўприк Венгрия пойтахтининг энг муҳим диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб, Буда билан Пештни боғлаб турадиган ягона транспорт оқими икки баравардан кўпроқ ортишини ҳисобга олиб, янги кўприклар қуриш ва мавжуд кўприкларни модернизация қилиш тўғрисидаги программани маъқуллади. Будапештнинг чекка районларида Дунай узра яна учта кўприк барпо этиш, шунингдек дарё остидан иккита туннель ўтказиш кўзда тутилмоқда.

ВИЛОЯТ КЎРКИ

ГАВАНА. Никель руда ва бошқа минералларга бой шимолий-шарқий Ольгин вилоятини ривожлантириш ишида иштирок этаётган ўн мингга яқин кубалик «Партия қарорларини бажарамиз!» деган шиор остида меҳнат қилмоқда. Қурувчилар, йўл қурувчилар, алоқачилар шаҳар типидаги посёлкаларни барпо этмоқдалар. автомобиль ва темир йўлларни, алоқа линияларини ўтказмоқдалар.

Моа ва Никародаги никель заводлари Куба — Совет битимига мувофиқ жадал реконструкция қилинмоқда. Реконструкция ишлари тугалланган сўнг бу заводларда никель-кобалът концентрати ишлаб чиқариш йилига 46 минг тоннага етади. Пунтагордадаги учинчи никель комбинатининг қурилиши авж олиб кетди. Келаси йили СССР ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар кўмаги билан ана шундай корхоналарнинг тўртинчиси, кейин эса бешинчиси ҳам қурилади.



Турли-туман яшил дарахтлар Чехословакиянинг қадимий шаҳарларидан бири Влтаванинг ҳуснига ҳусн қўшади.

Тарихий Карлов кўприги. Эндиликда у Чехословакия пойтахтининг аҳолиси ва бу ерга тезтез ташриф буюриб турадиган меҳмонлар—пиёдалар ихтиёрига бериб қўйилган.

ЧТК—ТАСС фотоси.

НАВБАТДАГИ ТУРКУМ

ПРАГА. Чехословакия алоқа министрлиги ҳаваскор филателистлари учун иккита қизиқарли янгилик тайёрлади. Улардан бири — «Пражский град» циклидаги рангли почта маркаларининг навбатдаги туркумидир. Ана шу тарихий ёдгорликнинг архитектура безакларидаги деталлари бу маркалар учун мавзу қилиб олинди. Шунингдек машҳур расмларнинг Словакия пойтахтига бағишланган картиналари репродукциялари туширилган «Братислава тарихи» туркумидаги иккита янги почта миниатюраси чиқарилди.

• *Сўз—фестиваль қатнашчиларига*

Миллий кинематография ривожланмоқда

Николай РОЖКОВ,
СССР, драматург.

Уч қитъа мамлакатларининг кинофестивалида зўр қизиқиш билан қатнашяпман. Бу ерда бизнинг диққатимизга ҳавола этилган ранг-баранг фильмлар яққол тассурот қолдиради. Ана шуларни кўриб миллий кинематографияларда режиссёрлик маҳоратини камолотга етказишда интилишлар борлигини ёркин тасаввур этиш мумкин. Менинг фикримча режиссёрлик маҳорати шундай тараққий этяпти. ҳозирча бу иш кинодраматургиянинг ривожидан олдинда бормоқда. Шунинг учун ҳам қатор ёш ва узоқ вақтдан буён ишлаб келаётган кинематографияларнинг олдида пайдо бўлган муҳим вазифалардан бири киносценарийлар яратиш маданиятини такомиллаштиришдир. Ҳар бир фильмнинг драматургик асоси жуда чуқур фикрларни талаб қилади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда Сенегал кинематографиясини и н г энг талантли вакили Сембен Усмон яратган «Седдо» фильми диққатга сазовордир.

Менинг келгусидаги ижодий режаларим ана шу Тошкент кинофестивали билан яқиндан боғланган. Ҳамма гап шундаки, мен ўйлаган фильмнинг воқеалари Тошкентда бўлиб ўтади, бевосита фестиваль воқеалари билан узвий боғланиб кетади. Келгусида ўзбек кино усталари ва африкалик ҳамкасблар ана шу асарни рўёбга чиқариш устида ўйлаб кўришади.

«Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» шиори остида Тошкентда ўтаётган кинофестиваль муваффақиятли давом этмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) ҳиндистонлик киноактёрлар Смита Партил, Азми Шабана, кинофестиваль ташкилий комитетининг аъзоси Мамажон Олимов ва ҳинд киноактёри Шиши Капур тошкентлянклар даврасида.

М. Нуриддинов фотоси.




Самарали ҳамкорлик

Жика РИСТИЧ,
Югославия, сценарист ва режиссёр.

Тошкент кинофестивали ўзининг интернационализми билан менда жуда катта тассурот қолдиряпти. Фестивалнинг ҳар бир кунги воқеасида, кинотеатрлардами ёки меҳнаткашлар билан бўлган самимий учрашувлардами, бунинг яққол ифодасини кўряпмиз. Турли мамлакатлардан келган кино арбобларининг кўп қиррали ижодий муносабатлари, фестиваль қатнашчилари учун яратиб берилган тенг ҳуқуқлилик имконияти чиндан ҳам ҳар бир санъаткорни ғолтда мамнун этади.

Интернационалл и қ яқинликларини мен кўпроқ ижодий ҳамкорликларда кўраман. Масалан. биз Югославия киночилари ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан яратган «Муҳаббат ва нафрат» деган картинамиз бунга мисол бўла олади. Бу фильм ўзининг олдига қўйган вазифасини бажарган. Титрларда Югославия ва Ўзбекистон сўзларининг ёнма-ён туриши мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган дўстлик алоқаларининг ёркин ифодасидир.



Ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом, бақувват, дуркун бўлиб ўсишини истайди. Болаларимизнинг сиҳат-саломатликларини муҳофаза қилиш учун бизда барча шарт-шароитлар яратилган. Бундан ота-оналаримиз беҳад хурсанд. Шаҳримиздаги кўплаб медицина муассасалари болалар сиҳатлигини муҳофаза қилади, Республика Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Ўзбекистон Педиатрия илмий текшириш институти директори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари докторн, профессор Урхон Сирожиддинович МАҲМУДОВ билан суҳбатлашиб, мазкур институтда болалар соғлиғини сақлаш йўлида қандай ишлар олиб борилаётгани ва болаларда ёзда учрайдиган баъзи касалликларни бартараф этиш йўллари тўғрисида маслаҳатлар беришини сўрадик.

ФАРЗАНД СОҒЛИҒИ— ОИЛА БОЙЛИГИ

САВОЛ: — Урхон Сирожиддинович, Сиз раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Педиатрия институтида ҳозирги кунда оналар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда қандай ишлар олиб борилмоқда?

ЖАВОБ: — Мамлакатимизда оналар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш йўлида партия ва ҳукуматимиз мунтазам ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг қарорлари билан Тошкентда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган кўплаб болалар шифохоналари очилган. Педиатрия деб аталувчи бизнинг илмий марказимиз ҳам оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Маълумки, янги Конституциям и з д а, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Аҳоли сиҳат-саломатлигини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ва бошқа ҳужжатларда болалар соғлигини муҳофаза қилишга ниҳоятда катта эътибор берилган. Конституциямизнинг 35-моддасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳуқуқи қонун йўли билан ёзиб қўйилган бўлиб, бу ҳуқуқлар бизга катта масъулиятлар юклайди. Бу деган сўз, болалар соғлиғини сақлашга, улар ўртасида учрайдиган касалликларнинг олдини олишга бутун куч-билимимизни сарфлашимиз керак.

Шуни фахр билан айтиш керакки, Ватанимизда болалар соғлиғини, айниқса гўдаклар соғлиғини сақлашга қаратилган тадбирлар жуда яхши йўлга қўйилган. Совет Иттифоқи ташаббуси билан Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Рига шаҳрида ўтказилган биринчи Халқаро конференциясида ҳам бу ютуқларимиз таъкидлаб ўтилди. Шу ташкилотнинг оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга ниҳоятда катта эътибор берилган. Конституциямизнинг 35-моддасида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳуқуқи қонун йўли билан ёзиб қўйилган бўлиб, бу ҳуқуқлар бизга катта масъулиятлар юклайди. Бу деган сўз, болалар соғлиғини сақлашга, улар ўртасида учрайдиган касалликларнинг олдини олишга бутун куч-билимимизни сарфлашимиз керак.

Шуни фахр билан айтиш керакки, Ватанимизда болалар соғлиғини, айниқса гўдаклар соғлиғини сақлашга қаратилган тадбирлар жуда яхши йўлга қўйилган. Совет Иттифоқи ташаббуси билан Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Рига шаҳрида ўтказилган биринчи Халқаро конференциясида ҳам бу ютуқларимиз таъкидлаб ўтилди. Шу ташкилотнинг оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилишга ниҳоятда катта эътибор берилган. Конституциямизнинг 35-мод-

раҳбари С. Плаза мухбирлар билан суҳбатда шундай деди: «Чақалоқлар соғлиғини сақлашга қаратилган биринчи Халқаро конференцияни ўтказишда СССР ҳақиқий ташкилотчи бўлди. Оналик ва болаликни ҳимоя қилиш йўлида Сизнинг мамлакатингиз ҳамма ишларни қиляпти. Барча мамлакатлар Сизлардан ўрнак олсин!»

Яқинда Москвада ўтган Халқаро демократик хотин-қизлар Федерацияси кенгаши сессияси 1979 йилни Халқаро гўдак болалар йили деб эълон қилди. Маълумки, 1979 йилда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ленинча декретга 60 йил тўлади. Бу санани намунали ўтказиш учун бизда қизғин ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда институтимиз қошида 360 ўринли ихтисослаштирилган болалар касалхонаси, 120 ўринли туғруқхона ҳамда мунтазам консультация олиб борувчи поликлиника ишлаб турибди. Консультация поликлиникасида аллергия ҳамда меъда-ичак касалликларига чалинган болаларни кўриб, лозим топилса касалхонага ётқизилади ёки район поликлиникасида қандай даволаш ҳақида маслаҳатлар берилади. Ихтисослаштирилган касалхонада сурункали меъда-ичак касалликлари, аллергия. пульмонология (ўпка касалликлари), мудлатидан илгари туғилган болаларни парвариш қилувчи ҳамда 40 ўринли терапия (ички касалликлар) бўлимлари билан бирга. замонавий медицина техникаси билан жиҳозланган лабораториялар ҳам мавжуд.

САВОЛ: — Кўплаб оналар редакциямизга ёзган хатларида, ёш болалар нима учун ёзда кўп касал бўлишади, деб сўраганлар. Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: — Ёзда ёш болалар ўртасида баъзи касалликлар тез-тез қўзғаб туради. Шундай хасталикларнинг бири медицинада диспепсия. дейилади.

Бу хасталик икки хил бўлади: оддий диспепсия ва токсик диспепсия. Оддий диспепсия ич кетиш касаллигининг енгилроқ тури ҳисобланади. Бу хасталик билан касалланган бола инжиқ бўлиб қолади, иштаҳаси пасаяди, тез-тез ичи келиб туради.

Диспепсия меъдаичакларнинг овқат ҳазм қилиши бузилганидан беморнинг ичакларида газ тўпланиб, қорин шишади, дам бўлади ва ғурилди. Шунинг учун ҳам диспепсия билан касалланган бола бетоқат бўлиб, ўқтин-ўқтин йиғлайди. Агар оддий диспепсия ўз вақтида даволанмаса, у тезда хавфли токсик диспепсияга айланиб кетади.

Хўш, бу оғир дарднинг белгилари қандай бўлади? Касаллик ич кетиш ва қусиш билан бошланади. Бир суткада бемор боланинг ичи 10—15 марта, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт келади. Боланинг қусиши борган сари зўрайди ва бир-хўплам сув ёки сут ичса ҳам. уни қусиб ташлайди. Баъзан бола сариқ зардоб қусади. Қусиш ва

ЖАВОБ: — Бу хасталик асосан ёш болани нотўғри овқатлантириш натижасида пайдо бўлади. Чақалоқ учун она сути энг муҳим озиқ экалигини сира ҳам унутмаслик керак. Болани она сути ва қўшимча овқатлар билан тўғри овқатлантириш лозим. Чақалоқ туғилган кундан бошлаб то беш-олти ойлик бўлгунича уни онанинг кўкрак сути билан боқиш керак. Болага икки ойликдан бошлаб врач маслаҳати билан мева шарбатлари берилади.

Баъзан болаларни турли сабабларга кўра сигир сути билан боқишга тўғри келади. Лекин сигир сутини тўғридан-тўғри болага бериб бўлмайди. Шу сабабли сигир сути таркибини она сутига яқинлаштириш мақсадида сигир сутидан махсус сут ошхоналарида ҳар хил сут аралашмалари қўшиб тайёрланиб, врач маслаҳати билан берилади. Агар болани сут аралашмалари билан ўз вақтида. тўғри овқатлантирилса, чақалоқ соғлом ўсади.

САВОЛ: — Болаларга кўпроқ қанақа витаминлар бериш керак? Қайси озиқ-овқатларда болаларга фойдали витаминлар бор?

ЖАВОБ: — Боланинг соғлом ўсиши учун унинг овқатида етарли миқдорда турли витаминлар бўлиши керак. Витаминлар етишмаслиги ич кетиш касаллигининг келиб чиқишига олиб келади. Витаминлар асосан сабзавот ва ҳўл меваларда бўлади. Уч-тўрт ойлик бола витаминларни она сутидан етарлича олиб туради. Она сутида витаминлар етарли бўлиши учун онанинг ўзи мева ва сабзавотларни кўпроқ ейиши керак. Энди бола улғайган сари она сутидаги витаминлар унинг витаминларга бўлган талабини қондира олмай қолади. Шунинг учун болага помидор, сабзи, олма, узум, анор, апельсин, мандарин шарбатини бериб туриш керак.

Ёзнинг иссиқ кунларида бола ҳазм органларининг фаолияти сусайиши натижасида меъда шираси кам ишланиб чиқа бошлайди. Натижада ҳазм иши бузилади ва боланинг ичи кета бошлайди. Шу сабабли ёзда болани салқин жойларда ўйнатиш ва ухлатиш керак. Шунингдек, меъда-ичак йўллари иш фаолиятининг бузилиши турли юқумли касалликларда, гриппда, зотилжамда ва шамоллаш касалликларида ҳам кузатилади.

САВОЛ:— Ёш оналар, чақалоқларни қандай парвариш қилиш керак, деб сўрашибди. Шу ҳақда қисқача маслаҳат берсангиз.

ЖАВОБ: — Чақалоқларни парвариш қилишда ҳам энг аввало тозаликка риоя қилиш керак. Боланинг танаси ва кийимлари, ўрни тоза бўлиши лозим. Бола ётган хона доим озода бўлсин. Чақалоқ ётган хонада катта одамларнинг. айниқса беморларнинг йўталиши ва аксириши чақалоқ соғлиғи учун зарардир. Чунки каттalар, йўталиш ва аксириш натижасида ўзларидан бир қанча микробларни ажратади, чақалоқ нафас олиши натижасида турли касалликларга чалиниб қолиши мумкин. Шунинг учун чақалоқ ётган хона тинч, озода, ҳавоси тоза бўлиши керак.

Яна бир муҳим гап. Чақалоқ ётган хонага қуёш нури доим тушиб туриши керак. Бу эса, чақалоқнинг организми ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Сўзимнинг охирида ота-оналарга фарзандларининг яхши тарбиялашла р и н и, улар доим сиҳат-саломат бўлишларини тилайман. Шу билан бирга, ота-оналар ўз фарзандларини соғлом ўстиришларида институтимизга келиб маслаҳатлар олишлари мумкин. Бу ерда турли касалликлар бўйича маслаҳат берувчи малакали врачлар бор. Ота-оналар институтимиз қошидаги махсус консультация поликлиникасидан ҳам тавсиялар олишларига барча шароитларни яратиб қўйганмиз.

Суҳбатни
Ю. АҲРОРОВ ва
Т. РАСУЛЕВ
олиб борди.

• *Кўнгилли халқ дружиналари фаолиятидан*

АКТИВ ЁРДАМЧИЛАР

Тошкент халқ хўжалиги институти кўнгилли халқ дружиначилари ўз активига 50 дан ортиқ профессор-ўқитувчи ва 850 дан зиёд студент-ёшларни бирлаштирган. Улар шаҳримизда безорилик, тартиббузарлик, ўғриликка қарши курашда ички ишлар бўлими ходимларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

— Кўнгилли халқ дружиначилари штабига институт партия ташкилотининг секретари, доцент Илёс Исҳоқов раҳбарлик қилади, — дейди унинг командири Д. Муҳиддинов. — Штабга коммунистлар, актив жамоатчи ўқитувчи ва студентлардан ўндан ортиқ киши аъзо қилиб сайланган. Кўнгиллилар сони Совет Армияси сафидан қайтган, актив студентлар ҳисобига йил сайин ортиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Улар «Бешёғоч» микрорайони, Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат боғида ҳамда институт территориясида осойишталик ўрнатиш ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Ҳар куни 25 нафар студентлардан иборат кўнгиллилар навбатчилик қилиш учун шу территория бўйлаб ҳаракат қиладилар.

Яқинда институт кўнгилли ёш дружиначиларининг слёти бўлиб ўтди. Слётда қилинган ишлар ва олдинда турган асосий масалалар бирма-бир кўриб ўтилди. Партия ва комсомол комитетлари томонидан тасдиқланган план асосида иш олиб бораётган халқ дружиначилари ўтган йил мобайнида ўз постларида сергак туриб вазифаларини сидқидилдан адо этдилар. Улар навбатчилик вақтида 2-авторемонт заводи электромонтёри М. Ҳабибулин, 3-нон заводи ишчиси Ш. Шарафуддиновни маст ҳолда, И. Мусаева, Ю. Борисов ва Д. Расулева кабиларни безорилик қилган вақтларида ушлаб район милиция бўлимига топширдилар. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазоландилар.

Безори ва ўғриларни, текинхўрлик қилиб давлат ва кишиларнинг шахсий мулкига кўз олайтирганларни қўлга туширишда довюраклик ва мардлик кўрсатганликлари учун 24 студент Тошкент область ва Октябрь район партия комитетларининг фахрий ёрлиқлари билан, 10 киши қимматбаҳо эсдалик буюмлар ва 20 га яқин студентлар бир ойлик стипендия билан тақдирланди.

Кўнгиллилар учун ташкил этилган таълим мактабида «Совет ҳуқуқи» кафедрасининг етакчи ўқитувчилари қизиқарли лекциялар билан қатнашадилар. Айниқса, кафедра мудири, доцент Талъат Саъдуллаевнинг «КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга оширишда кўнгиллиларнинг роли», доцент А. Шукуровнинг «Совет жамиятида социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ» кабн лекциялари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Қобил Қамбаров, Миродил Абдуллаев, Бахтиёр Каримов, Обид Иноғомов каби ўнлаб актив, жамоатчи студент-ёшлар мунтазам навбатчилик қилиб тартибсизлик, қонунбузарлик, безориликнинг олдини олишда ва фош қилишда актив ёрдам кўрсатмоқдалар. Октябрь район 1-таянч пунктининг С. Таслимов бошлиқ милиция ходимлари кўнгиллиларнинг кўрсатаётган ёрдамидан миннатдорлар.

Ш. ҲИДОЯТОВ.

• ГАЗЕТХОН ИЛТИМОСИ

Шаҳримиз шарқидаги тоғлар

Ҳурматли редакция! Шаҳримизнинг шарқий томонида пурвиқор тоғлар кўриниб турадн. Бу тоғлар қаерга жойлашган, унинг номи нима, сайилгоҳ жойлари борми? Шу тоғлар ҳақида маълумот берсангиз.

Мавлуда ШУКУРОВА,
бадиий буюмлар фабрикасининг ишчиси.

Шаҳримизнинг кунчиқар томонида кўриниб турган пурьиқор тоғ — Ғарбий Тянь-Шань тоғ ўлкасига қарашли бўлиб, Чотқол тоғлари деб аталади. Улар мовий осмон бўлутлардан ҳоли бўлганда, қуёш чарақлаб турганда, ҳар кун эмас, балки гоҳ-гоҳда, тўрт фаслнинг барчасида кўриниши мумкин. Кўпроқ гўзал Тошкент тонги отаётганда бу тоғлар уфқдан жамолини кўз-кўз қилади.

Чотқол тоғлари шаҳримиздан кўпи билан 70—80 километр узоқликда жойлашган бўлиб, жанубдан шимолга қараб чўзилган деворни эслатади. Ҳаво ниҳоятда очиқ кунларн бу тоғлар айниқса Охунбобоев майдонидан турнб, қуёшчиқар томонга қарасак, худди Навоий кўчасининг охирида тургандек бўлади. Тоғларнинг бу қадар яқин кўриниш сири маълум оптик қонуниятларга боғлиқ бўлиб, аслида уларнинг улуғворлигидир.

Тоғли жойларда ҳар доим бу баҳайбат тошли табиий қурилмаларгача бўлган масофа жуда яқиндек туюлса-да, аслида мўлжалдан бир неча ўн баравар узоқда жойлашган бўлади. Бутоғлар денгиз сатҳидан 2000—3000 метр баландликда бўлиб, бизга кўриниб турган икки чўққи алоҳида ажралиб туради. Улардан бири, жануброқда жойлашгани Қизилнура чўққисидир. Унинг денгиз сатҳидан баландлиги 3267 метр бўлиб, узоқдан унинг юқори қисми гумбазни эслатади. Қизилнура чўққисидан 30 километрлар чамаси шимолроқда Чотқол тоғининг энг баланд нуқтаси, кўпчилигимизга таниш бўлган Чимённинг баландлиги 3309 метрдир. Ўзбекистоннинг кўпчилик альпинистлари ўз машғулотларини биринчи бор Чимён ва Қизилнура чўққиларига чиқишдан бошлашган.

Барча географик номларнинг ўз мазмуни ва тарихи бўлганидек, бундан Чотқол ҳам ҳоли эмас. Чотқол қадимги тожик тилида «қайин» демакдир. Ҳақиқатдан ҳам бу тоғ этакларида яшаётган аҳолининг кўпчилигини тожиклар ташкил этади ва қайин дарахти кўп ўсади. Чотқол тоғининг тарихи жуда ажойиб бўлиб, мисоли бир афсонага ўхшаб кетади. Бундан тахминан 250—300 миллион йил аввал, яъни полеозой деб аталадиган эрада Чотқол тоғлари ўрнида жуда катта денгиз бўлган. Бу тоғ қоялари бўйлаб саёҳат қилганингизда кўпгина денгиз ҳайвонлари суякларини кўриб бунга амин бўласиз. Йиллар ўтиши билан Ер пўстида ва ундан ҳам пастда ёшириниб ётган зўр ички куч ҳаракатга келган. Денгизнинг туби кўтарилиб, букилиб бошлаган, бу бурмалар биринг устига бири уймалашиб борган сари баланд кўтарилган, натижада денгиз секинаста чекиниб, унинг ўрнига тоғлар қад кўтарган. Чотқол тоғлари ёш тоғлар қаторига кириб, уларда кўтарилиш жараёни давом этяпти. Кейинги 10—15 йил ичида сейсмик процессларнинг авж олиши бунинг далили бўлаолади.

Шарқ томондан кўринган тоғлар табиатнинг бизга берган буюк инъомидир. Ғарбдан келаётган намликка тўйинган ҳаво оқимлари бу тоғларга дуч келиб, ўзидаги бор ёғин-сочинни ташлаб кетади. Бу азим тоғлар туфайли шаҳримиз ва областимиз, республикамизнинг бошқа жойларига нисбатан сув билан кўпроқ таъминланган. Агар бу тоғлар бўлмаганда, бу ерларни ҳам Қизилқумнинг қақраб ётган қум барханлари эгаллаб олган бўлар эди.

Ёғин-сочиннинг бу тогли ўлкада мўллиги унинг фасллар ўтиши билан ўз тусини ўзгартиришини таъминлайди. Чотқол қиш ва баҳор ойларида кумушранг бўлиб оппоқ қор билан қопланган, ёз бошларида эса яшил майсалар туфайли кўм-кўк либосга ўралади. Кузда эса, кўкатлар ёзнинг жазирама иссиғидан қақраб, тоғлар пуштирангга киради.

Бу тоғлардаги барча нарсалар хилма-хил ва ажойиб. Ундаги турли тоғ жинслари, қазилма бойликлари, ўсимликлари, қалин ўрмонлари, тоғ водийлари ва кўм-кўк майсазорлари кишиларни ҳар доим ўзига мафтун этиб келяпти.

А. АКБАРОВ,
география фанлари кандидати.

• *Спорт клубларида*

«Нептун» клуби

«Нептун» клуби — ёш денгизчилар клуби демакдир. У «Текстильщик» спорт клуби базасида ташкил қилинди.

Клубни ташкил қилишдан асосий мақсад — болаларга денгиз ва денгизда хизмат қилиш ҳақида тушунча бериш, денгизчиликнинг ўзига хос романтик ҳаёти билан таништириш, ёш болаларни сузишга ўргатиш ва уларни инструкторлар этиб тарбиялашдан иборатдир. Ҳар ҳафтада уч марта болалар мактабдаги дарслардан сўнг «Нептун» клубига келиб, машғулотларда қатнашишади. Улар бу ерда сувга чўкаётган кишиларга дастлабки ёрдам кўрсатиш, акваланглардан ва бошқа сузиш воситаларидан тўғри фойдаланиш сирларини ўрганишади. Болаларга сув спорти бўйича катта маҳоратга эга бўлган инструкторлар таълим беришмоқда.

Ўқишнинг иккинчи босқичида клуб аъзолари Тошкент денгизига бориб, моторли, эшкакли ва елканли қайиқларни ҳайдашни ўрганишади. Курс тугаганидан кейин улар имтиҳон топширишади. Синовдан муваффақиятли ўтган «Нептун» клубининг аъзолари махсус топшириқни бажара бошлашади. Бу топшириқ пионер лагерларидаги сув ҳавзаларида инструкторлик қилишдан иборатдир. Ҳозир «Нептун» клубининг дастлабки битирувчилари синовга тайёргарлик кўришмоқда.

• *Биласизми?*

ТЎП ВА МОТОР ҲАМКОРЛИГИ

Футбол спорт турлари орасида энг қадимий ўйинлардан бири ҳисобланади. Йиллар ўтиши билан футболга бўлган қизиқиш ҳам ошиб бормоқда. Учрашувлар пайтида майдонда юз берган хавфли вазият, чиройли комбинация, кутилмаганда дарвозанинг нишонга олиниши — буларнинг ҳаммаси мухлисларга завк-шавқ бағишлайди. Аммо, нисбатан ёш бўлган мотопойга ҳам одамларни ўзига тортиб боряпти. Мотопойганинг фақат ўзига хос бўлган жозибаси ва ишқибозлари, спортчини мардликка, жасурликка ундовчи хусусиятлари бор. Худди шу нарса унинг тобора оммалашиб боришига сабаб бўляпти.

Борди-ю, футбол билан мотопойга уйғунлаштирилса нима бўлади? Бу саволга жавоб топиш учун қилинган ҳаракатлар туфайли мотобол вужудга келади. Ўйин оддий футбол майдонларида ўтказилади ва цилиндрининг ҳажми 175 куб сантиметр бўлган оддий йўл мотоцикларидан фойдаланилади. Ўйинни ўтказиш қоидаси ҳам футбол қоидасига жуда яқин. Ўйин тўрт бўлимдан иборат бўлиб, ҳар бир бўлим 20 минут давом этади. Қоида бузилганида ўн бир метрли жарима тўпи белгиланади. Ўйин қоидасини бузган ўйинчи беш минутга ёки умуман учрашув тугагунга қадар майдондан чиқариб юборилиши мумкин.

Мотобол мамлакатимизда йилдан йилга оммалашиб бормоқда. Бунинг учун ҳар йили СССР Кубоги учун мусобақалар, «А» ва «Б» класс командалари ўртасида Бутуниттифоқ турнирлари ўтказилаётганлигини эслаш кифоя.

1967 йилда мамлакатимиз мотоболчилари биринчи марта Европа Кубоги учун ўтказилган мусобақаларда қатнашишди ва биллур совринни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Шундан буён улар ҳар йили қитъа Кубоги учун ўтказиладиган беллашувларда ғолиб чиқишмоқда.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ



Навоий кўчаси шаҳримиздаги энг гавжум кўчалардан бири ҳисобланади. Бу ерда жойлашган жуда кўплаб саноат ва китоб магазинлари доимо харидорлар хизматида.

СУРАТДА: шу кўчадаги китоб растасининг ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўлимида савдо пайти. М. Нуриддинов фотоси.


БУ — ҚИЗИҚ

МЕРОС

Швейцарияда чорвачилик яхши тараққий этган. Бу ерда қизиқ одат ҳам бор. Янги фарзанд туғилган куни каттагина пишлоқ тайёрланади, унга меҳмоннинг исми, туғилган йили ёзиб қўйилади. Бу пишлоқ умрбод сақланади ва ўша кишидан ёдгорлик бўлиб қолади. Жуда ҳам эҳтиётлик билан сақланадиган бу пишлоқ ҳатто ёдгари ҳамма тантанали пайтларда фақат байрам столини безаш учун қўйилади.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

САБЗАВОТЛАР ДАСТУРХОНИНГИЗГА



Сабзавотлар баҳор таомларини ҳамма вақт бойитиб келган. Ахир сабзавотлар фақат мазали бўлибгина қолмай, жуда фойдали ҳамдир.

Агарда сизнинг сабзавот учун магазинга боришга вақтингиз бўлмаса сабзавотларни уйга келтириб бериш хизматидан фойдаланингиз.

Уйга сабзавот элтиб бериш юзасидан буюртмаларни бевосита «Ташплодоовошч» бирлашмасининг Собир Раҳимов район улгуржи-савдо конторасида расмийлаштириш мумкин.

8-магазин — 1/3-Қорақамиш массиви;
12-магазин 1/4-Қорақамиш массиви.
ва 48-78-23 телефон бўйича.

Қуйидаги сабзавотлар билан савдо қилинмоқда:
янги карам, помидор, саримсоқ пиёз, бодринг, редиска, шунингдек, сабзавот консерваларн, картошка, пиёз, сабзи, лавлаги.

Сабзавот салатларининг бир неча рецептини эътиборингизга ҳавола этамиз:

ЯНГИ КАРАМ САЛАТИ

Карамни юпқа қилиб парраклаб кесиб, уни енгилгина эзғиланг. Натижада у сувланади, майда қирқилган пиёз ва укроп қўшинг, таъбга қараб туз солинг ва майонез билан қориштиринг.

ЛАВЛАГИ САЛАТИ

Қайнатилган лавлагини йирик тишли қирғичдан ўтказинг, унга йирик қилиб қирқилган саримсоқ пиёз ва ёнғоқ қўшинг, туз солинг, майонез билан қориштиринг.
400 грамм лавлагига бир бош янги саримсоқ пиёз, 50 грамм ёнғоқ, таъбга қараб туз солинади.

ЯНГИ САБЗАВОТ ВА КУКАТ САЛАТИ

Бодринг ва редискани майда қилиб қирқинг, унга майда қилиб қирқилган петрушка кўкати, укроп, кўкпиёз ва унинг баргини солинг, тузланг ва майонез билан қориштиринг.

Бир-икки дона бодринг, бир-икки боғлам редиска, бир боғлам укроп, петрушка, пиёз, таъбга қараб туз, 200 грамм қаймоқ.

«Ташплодоовошч» бирлашмасининг Собир Раҳимов район улгуржи савдо конторасн.
«Узторгреклама» телепрессагентлиги.

САНЪАТ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Меҳнаткашлар биринчи Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлари фестивали лауреати ва Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ халқ ашула ва рақс ансамбллари конкурсининг ғолиби

ТОШКЕНТ ШАҲАР, ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ
3-МАДАНИЯТ УЙИ ҚОШИДАГИ

«БАЁТ»

ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК ҲАЛҚ АНСАМБЛИ

СТУДИЯСИ

ВЛКСМнинг 60 йиллик юбилейи ва жаҳон Олимпиада ўйинларига атаб ССР Иттифоқи республикалари ва бир қанча чет мамлакатларга гастролга чиқиш олдидан

1978—1979 йиллар учун

қуйидаги ихтисосликлар бўйича янги ўқувчи-иштирокчиларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбек миллий халқ чолғу асбоблари оркестри ва созандалар ансамбли бўлими (музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Тўхтасинов): доира, дутор, қашқар рубоби, афғон рубоби, гижжак, най, қўшнай, кларнет, баян, аккардеон, ноғора, карнай, сурнай ва бошқа чолғу асбоблари.

Қўшиқ, вокал ва хор санъати бўлими (хормейстер ва дирижёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Абдуқаҳҳор Султонов): бу бўлимда қўшиқ айтиш, овоз техникасини кучайтириш ва бошқалар ўргатилади.

Халқ рақслари бўлими («Баёт» халқ ансамблининг бадиий раҳбари ва балетмейстери Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлари санъати фестивали лауреати Азим Азизов): бу бўлимда ўзбек классик мақом йўлларига хос ва замонавий рақслар, шунингдек СССР ва шарқ халқлари характеридаги миллий, эстрада ва пантомимик рақслар ўргатилиб, рақсга нисбатан тушунчаси ва иштиёқи бор бўлган 15—30 ёшли йигит-қизлар қабул қилинади.

Конферансьелик (бадиий сўз): бу бўлимда асосан саҳна қоидалари, концерт ва спектакларни олиб бориш кабилар ўргатилади.

МИНИАТЮРА ТЕАТРИ: бу бўлимда ҳажвий куплетлар, интермедия ва саҳна қоидалари ўргатилади.

Кичик ёшдаги болалар бўлими сектори:

«Наргиз» рубобчилар ва рақс ансамбли, фортепьяно бўлими ва «Доирачилар ансамбли» бўлимлари.

Студияда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари, ишчи ёшлар, мактаб ўқувчилари ва бошқалар, ўқиш ва ишдан ташқари бўш вақтларига қараб қатнаб ўқишлари мумкин.

Юқоридаги ҳамма бўлимларда (болалар секторидан ташқари) ўқиш муддати — 3 йил.

Битирувчиларнинг барчасига махсус гувоҳнома берилади. Шунингдек, санъат соҳасида олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кирувчиларга ўқишга кириш учун йўлланма ҳам берилади.

Студиянн муваффақиятли тугатганлар эса ўзларининг ихтиёрларига кўра давлат театрлари ва ансамбларига ҳам ишга юборилади.

Дарслар махсус ўқув корпуслари ва театрларда олиб борилади.

Шунингдек маданият уйи қошида қуйидаги махсус ўқув курслари мавжуд:

БИЧИШ-ТИКИШ — ўзбек ва рус группалари. Ўқиш муддати — 1 йил.

МАШИНКАДА ЁЗИШ — ўзбек ва рус группалари. Ўқиш муддати — 6 ой.

РАДИОМЕХАНИК ВА ТЕЛЕМАСТЕР — ўзбек ва рус группалари. Ўқиш муддати — 10 ой.

ТЎҚУВЧИЛИК — ўзбек ва рус группалари. Ўқиш муддати — 1 йил.

Юқоридаги махсус курсларни битирувчиларга ҳам гувоҳнома берилади.

Дарслар замонавий техника аппаратлари асосида олиб борилади.

Ҳамма бўлимларга ҳужжатлар — 15 июнгача қабул қилинади.

Дарслар — 16 июндан бошланади.

Хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига топширишлари мумкин:

санъат соҳасига кирувчилар: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, 3х4 см. ҳажмида 4 тадан 8 дона фотосурат, ўқиш ва иш жойидан справка (квартирада яшовчилар справка топширмайдилар), скоросшиватель, конверт.

Махсус курсларга кирувчилар: ариза, 3х4 см. ҳажмида 4 дона фотосурат, конверт ва скоросшиватель топширадилар.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ (дам олиш кунисиз) соат 9.00 дан 14.00 гача ишлайди.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Беруний кўчаси, Ц-27. (7, 16, 19-трамвайлар, 8-троллейбус ва 11, 28, 64-автобусларнинг «Ўқитувчилар уйи» ёки «Ғунча» кинотеатри бекати), «Баёт» студияси, 2-қават, қабул комиссияси.

Тошкент шаҳар соцнал таъминот бўлимининг
ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
(1978—79 ўқув йилига)

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: приёмник ва телевизорларни ремонт қилувчи механик, пойафзалчи, машинистка-секретарь, тикувчи, халқ хўжалик тармоқларида ва соцнал таъминот соҳасида ишлаш учун бухгалтер.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 ОЙ.

Ўқишга ёшн 16 дан 45 ёшгача бўлган нивалидлар, шунингдек ёшн 16 дан 20 гача бўлган нивалидларнинг фарзандлари, ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг шу ёшдаги аъзолари қабул қилинади.

ЎҚУВЧИЛАР СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР

Аризаги қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширши лозим: маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, шаҳар ёки район соцнал таъминот бўлимининг йўлланмаси, соғлиғи ҳақидаги справка (286-форма, инвалидлар ВТЭК справкасига меҳнат таъсияномасини илова қиладилар), икки дона сурат.

Ўқувчилар ётоқхона билан таъмин этилмайди.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўқчи кўчаси, 107 «а»-уй, 5-корпус, Пеньков тупиги (2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «Халқлар дўстлиги», 1, 4-трамвайларнинг «Олмазор» бекатлари. Метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

31 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Горичилар, қаердасиз!». 18.30 Янгиликлар. 18.40 «Дўмбоқ қоқиғул». Мультфильм. 18.45 «Фан оламида». 19.15 «Спортлото» тиражи». 19.30 О. Загродник. «Бонгли соат учун куй». М. Горький номли ССР Иттифоқи Москва бадиий академик театрининг фильм-спектакли. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Музикальная жизнь». Телевизион журнал. 23.20 «Гагра — Пицунда». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.45 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Болалар учун кинофильм. 18.30 Кичкинтойлар учун. «Ўйлаб топ» (рус.). 18.55 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съезди социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва ҳар томонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлаш тўғрисида». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Муножат». Телевизион фильм-концерт премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденнеларининг биргаликдаги программаси. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 «Июнь — ҳосил тўпланиш ҳал қилувчи ой». 22.30 «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари V халқаро Тошкент кинофестивалида». 23.10 «Ўзбекистоннинг қўшиқлари ва рақслари». Телевизион фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

1 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.45 «Қувноқ стартлар». 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Вошқарув — ташаббус, ижодкорлик». 19.15 Брно шаҳар радиоси халқ чолғу оркестрининг концерти (ЧССР). 20.15 «Марказий телевидение экранида биринчи марта». «Сендан ўзга эмас». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.15 Қорақалпоқ шоири Бердақ туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. А. Фадеев номли адабиётчилар Марказий уйидан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевиденнесининг программаси

18.00 «Ўзбек цирки». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 18.30 «Кўёшли ўлка марҳабо». 18.45 «Баҳтли болалик». Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишланган кўрсатув. 19.15. «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ижҳом». Ижодкор ёшлар телевизион клуби. 20.20 «Олмалиқ шоирн». Телевизион фильм. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Гоза қалб узра». Музикали программа. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.15 Москва «Қорақалпоқ шоири Бердақ туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган тантанали кеча. А. Фадеев номли адабиётчилар Марказий уйидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

Ўрта Осиё темир йўлининг Тошкент шаҳридаги 1-темирйўл клиник касалхонаси ва Тошкент Давлат медицина институти санитария гигиена факультетининг ички касалликлар кафедраси коллективлари шу кафедра ассистенти Ф. М. Мавлоновга онаси

Маҳбуба ИНОҒОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Акмал Икромов район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз комитети ва 81-мактаб педагогика коллективи шу мактаб ўқитувчиси Т. Зуқуровга онаси

Асолат ЗУҚУРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

31 МАЙ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗИНИНГ АДРЕС: 700,000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 03339. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1321.